

# O'ZBEKISTON

# OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2005 йил 5 март шанба дам олиш кунини 2005 йил 7 март душанбага кўчириш тўғрисида

Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ҳамда меҳнатқашларнинг дам олиши учун кулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида: 2005 йил 5 март шанба дам олиш куни 2005 йил 7 март душанбага кўчирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2005 йил 28 февраль



• 2005-ЙИЛ • 1-МАРТ • СЕШАНБА • 25 (27.360) • [uzbevozi@sarkor.uz](mailto:uzbevozi@sarkor.uz) • 1918-йил 21-йундан чиқа бoshлаган.



## Болалар спорти

### МУБОРАКДА БИР МАСКАН БОР

У ер эрта-ю кеч болалар билан гавжум. «Машъал» болалар ва ўсмирлар спорт-соғломлаштириш клуби» деб номланган бу масканда болаларнинг кўпгина спорт турлари билан шуғулланишлари учун ажойиб шароит яратилган


Мамлакат нефтьгаз тармоғининг яловбардорларидан бўлган «Муборакнефтьгаз» унитар корхонасига қарашли спорт-соғломлаштириш мажмуаси спорт саройи, стадионлар, теннис корти, сузиш ҳавзаси, кураш зали сингари замонавий иншоотларга эга. Бу ерда ҳозирги пайтда 1600 нафардан орტიқ мубораклик болалар спортнинг ўзлари ётқирган етти тури бўйича шуғулланишмоқда.

Клуб раҳбари Комилжон Ёқмуровнинг айтишича, спортчи болалар нафақат мамла-

кат, балки халқроқ миқёсдаги мусобақаларда ҳам фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишаётди.

Суратларда: спорт мажмуасининг умумий кўриниши; Саид Жўраев номли 1-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Гавҳар Норкулова; катта теннис бўйича спорт устаси Соҳиб Ражабов шогирдлари билан машғулот пайтида; футбол бўйича мураббий Комилжон Ёқмуров шогирдлари билан.

Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар



корлик Ташкилоти яқунловчи актига имзо чекди. Бу маросим 1992 йил 26 февраль куни бўлиб ўтди ва Президент Ислоҳ Каримов нутқ сўзлаб, жумладан, шундай деди: «...Жўроғий хижатдан Осиё давлати бўлиши Ўзбекистон Умумевропа жараёнига қўшилиш иродаси ва истагини тасдиқлаб турибди. Ўзбекистон бундай қадам қўйишининг босиси нимада? Аввало шуки, Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган биринчи кунлардан эътиборан ўзининг ҳамма эътироф қилган ва БМТ Низомида, Хельсинки яқунловчи актида ва Париж Хартиясида лўнда ифодалаб берилган қоидаларга ва халқаро ҳуқуқ нормаларига содиқлигини эълон қилади».

Бу ҳеч қандай изох талаб қилмайдиган аниқ сиёсий стратегия ифодаси эди. Наттижада Ўзбекистон 1992 йил 2 март куни, яъни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 46-сессияси ялпи мажлисида яқдиллик билан маъқуллаш асосида овозга кўймаган ҳолда БМТ аъзолигига қабул қилинди. Ёш давлатимиз БМТ ишида фаол иштирок эта бошладди. Унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва аҳамияти дастлаб 1993 йилдаёқ яққол

3-бет

## БУГУН — 1 МАРТ

Баҳорнинг илк тонги, илк куни. Халқимизнинг суюкли ва ардоқли шоираси — ЗУЛФИЯХОНИМ айна шу тонг, айна шу кунда таваллуд топган эди.

Баҳор ила эгизак шоирамизни ёд этиб, унинг мана бу гўзал сатрларини Сизга илиндик.

Синди қиш тўққан муз ҳисли қафас,  
Мана, яна қушлар чуғураб қолди.  
Она нигоҳидай мулойим нафас  
Замину Осмонни бағрига олди,  
Демак, баҳор келди.

Бу нафасдан ерда кексаю ёшининг,  
Одим, чехрасида эзгу рўшнолик.  
Дов-дарахт кияжак зилол либоснинг  
Зилол бариш тутиб югурар шодлик,  
Демак, баҳор келди...

Саховат момоси — тоғнинг кўксидан,  
Кўтириб, айқириб суги тўқилмиш.  
Зарраси сочилган музлар устида  
Шошқалоқ гўнчалар чоки сўқилмиш,  
Демак, баҳор келди.

Ҳамиша неъматга ҳамила тупроқ,  
Тўлишган танини солмиш офтобга.  
Дехқон қулоғига таниш кўнгирак —  
Жарангдор қуртаклар етибди тобга,  
Демак, баҳор келди...



А.ТўРАЕВ (ЎЗА) олган сурат

Тошкент шаҳар ҳокимлигида пойтахт фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати қўшма мажлисидаги маърузаси ва Вазирлар Маҳкамасининг янги тайинланган аъзолари билан бўлиб ўтган йиғилишда сўзлаган нутқида ўртага қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш ва шаҳарни 2004 йилда иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари муҳокама этилди.

## АСОСИЙ ЭЪТИБОР КАМЧИЛИКЛАРГА ҚАРАТИЛДИ

Шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов бошқарган йиғилишда ўтган йил мобайнида шаҳарни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришда муайян силжишларга эришилгани, иқтисодийнинг эркинлаштиришга, ташқи иқтисодий фаолият ва аҳолини иқтисодий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилгани таъкидланди. Жумладан, ички маҳсулот ҳажми 4, санаотда маҳ-

сулот ишлаб чиқариш 4,8, чакана савдо айланмаси 14,2, пуллик хизматлар кўрсатиш 5,7 фоиз ортди. Ташқи иқтисодий алоқалар кўлами кенгайиб, маҳсулот ва хизматлар экспорти ҳажми 36,1 фоиз кўнайдди. Йиғилишда шаҳар иқтисодий-иқтисодий ҳаёти Юртбошимиз белгилаб берган вазифалар асосида чуқур таҳлил этилди, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар-

га жиддий эътибор қаратилди. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, бу борада зарур қарорларни яратишга мутасадди тузилмалар томонидан етарлича аҳамият берилмаётгани қайд этилди. Банклар томонидан тадбиркорлик субъектларига қўрсатилмаётган амалий ёрдам натижаларини ҳам кўнгидагидек, деб бўлмайди. Бу соҳага молиявий кўмак,

қўшимча солиқ имтиёзлари беришда банклар маъсулиятини янада ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Уй-жой-коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш жараёни сўст бораётгани алоҳида таъкидланди. Коммунал хизматлар, айниқса, иссиқлик энергияси, иссиқ ва совуқ сув сарфини ҳисобга оладиган асбоб-ускуналарнинг етарли даражада эмаллиги ҳамон жид-

## Шу куннинг муаммоси

Одатда дарёлар суви баҳорда кўпаяди. Лекин Сирдарё баҳорда эмас, балки, қиш ойларида, айниқса аёзли, изыринли кунларда тўлиб-тошиб оқади. Бунинг сабаби тоғларга қор кўп ёқгани ёки ёнғингарчиликнинг мўл бўлгани билан изоҳланмайди. Балки, Қирғизистон ҳудудидаги ва бошқарувидати Тўхтагул сув омборининг лойиҳа режимидан энергетик режимга ўтиши ва натижада катта миқдордаги сувнинг кўйиб юборилиши туфайли дарё суви беҳад кўпаяди. Бу ҳол эл-юртга ҳамиша ҳам қувонч бермайди, билъакс, хавф ухатар, гоҳо офат ҳам келтиради. Биласиз, дарё сувидан Қирғизистон, Қозғистон, Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари фойдаланишади. Аммо сув тошқини хавфи пайдо бўлганда ҳозирча айрим қўшни давлатлар унинг хатарлилик даражасини етарли баҳолай олинмаётти.

Журналист Саидазим МАРДИЕВнинг «Ўзелиосувлыйиҳа» институти директори Умид АБДУЛЛАЕВ билан суҳбати ана шу долзарб мавзуга бағишланган.

— Умид Валиевич, Сирдарё сувининг қишда кўпайиши Ўзбекистон ва унга қўшни давлатлар учун қандай муаммолар туғдириши мумкин деб ўйлайсиз ва бу муаммолар бугун пайдо бўлдими?  
— Бу йил куз-қиш мавсумида ёнғингарчиликнинг кўп бўлиши — Тўхтагул-Қайроқум-Чордара сув ҳавзаларида жуда мураккаб вазиятни ву-

жудга келтирди. Бугунги ҳолатни аниқ тасаввур қилиш учун яқин ўтмишга мурожаат қилишга тўғри келади. Мана шу минтақадаги сув йиғилган пасттексислик — Арнасой дарё эрозия жараёни маҳсули бўлиб, у гарбдан шарққа томон 180 километрга чўзилиб кетган. Кенглиги 2 километрдан бошланиб 40 километргача етиб боради. Ёнғингарчилик энг кўп бўлган

## СУВ — ҲАЁТ

ЛЕКИН БЕПАРВОЛИК ҚИЛИНСА, У ОФАТГА ҲАМ АЙЛАНИШИ МУМКИН



1969 йилги танг вазиятда мана шу пасттексисликка сув ташлаш бошланиб, мавсум охирида бу ерда 21 миллиард куб метр ҳажмда сув тўпланди. Наттижада Қозғистон ҳудудида сув тошқинлари билан боғлиқ жуда катта фалокатларнинг олди олинди. Лекин 1993-1994 йиллар давомида вазият кескин ўзгариб борди. Норин-Сирдарё сув омборлари ва гидроэнергетика тизими барпо этилиши, айниқса, Тўхтагул гидро-

налининг сув олиш қўбилияти ҳам сусайиб бормоқда. Мана шу сабабларга кўра, 1993 йилдан бошлаб, Арнасой кўллари тизимига Чордарадан катта ҳажмда сув ўтказиб юбориш одат тусига кирди. Шу боис, 1995 йилнинг январига келганда Арнасойда сув қатлами 241 метрдан ошиб, ҳавзада 25,9 миллиард куб метр сув тўпланди, 2696 квадрат километр майдонни сув босди. Айна шу дамларда Хайдар ва Тузқон кўллари ўртасидаги тўғон ва сув ўтказиш иншоотларини сув ювиб ҳам кета бошлади. Шарқий Арнасой кўли орқали автомобиль йўллари кўприги шундан чиқди. Жуда кўп қудуқлар, чўпонларнинг манзилгоҳлари, йўللар сув остида қолиб, Боймурод кўрғонини ҳам сув босиш хавфи кучайди.

2-бет

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Жизжақ, Сирдарё ва Тошкент вилояти ҳокимлари ўринбосарлари ва туман ҳокимларининг семинар-тренинг машғулотлари яқунланди.

## СЕМИНАР ЯҚУНЛАНДИ

Ўн кун давом этган семинарда мамлакатимиз раҳбари Илоҳ Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги дастурий маърузасида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг янги тайинланган таркиби аъзолари иштирокидаги йиғилишда сўзлаган нутқида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Семинар давомида иқтисодий-иқтисодий ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг долзарб вазифалари, аграр тармоқдаги, иқтисодий соҳадаги ўзгаришлар, ташқи сиёсатнинг устувор жиҳатлари билан боғлиқ йўналишларда бир қанча маърузалар тингланди. Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат махсуслаштириш Р.Шамшиев, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Р.Азимов иштирок этди.

Олим НОРЕКОВ, ЎЗА мухбири

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI  
MULKDORGA HAMKORI  
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74  
WWW.tshmbn.uz E-mail: info@tshmbn.uz va Birja@mail.tps.uz

O'zbekiston havo yo'llari  
TOSHKENT  
XALQARO AEROPORTI

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!  
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04  
WWW.aloqabank.uz E-mail: info@aloqabank.uz



Тадбир

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАРНИ ОШИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Журналистларнинг муайян соҳалар, йўналишларга ихтисослашуви бугунги кунда долзарб эҳтиёжга айланган. Соҳа мутахассисларини тайёрлашга ихтисослашган ўқув масканларида эса бу масалага энди-энди эътибор қаратиляпти. Демак, фаолият юритаётган ижодкорларнинг маълум соҳалардаги ўз билимларини ошириб бориши ва ихтисослашуви мазкур муаммонинг тезкор ечимларидан бири саналади.

шу янгиликлар йўлидаги тўсиқ ва муаммолар сабабини очиб бериш ҳамда таҳлил қилиш учун билимимиз, малакамиз етарлими? Семинар-тренинг қатнашчилари бу саволга биргаликда аниқ наشرлар, мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлар мисолида жавоб изладилар, баҳслашдилар.

— Журналистларнинг ўз билим даражасини ва маҳоратини ошириб боришига мунтазам эътибор бериш ОАВ фаолиятини яхшилашда муҳим омил эканлигини ўз тажрибамизда кўрдик, — деди «Ўзбекистон» телеканали бош директори Мирзаахмед Олимов. — Яқинда барча телеканалларнинг иқтисодий кўрсатувлари муаллифлари учун бир ойлик ўқув машғулоти ташкил қилдик. Бу семинарда турли вазирликларнинг етакчи мутахассислари кизиқarli, мазмундор маърузалар ўқидилар. Ҳар кунда тингловчилар имтиҳон ҳам топширдилар. Журналистларнинг малакасини оширишга амалий ёрдам берадиган бундай ўқув машғулотларини мунтазам ўтказиш аниқ тўсиқ бўлди.

Семинарда соҳа ижодкорларининг билими ва малакасини оширишда турли имкониятлардан фойдаланиш, зарур шароитларни яратиб беришга ОАВ раҳбарлари ҳам масъул эканлиги алоҳида таъкидланди.

Шарофат Йўлдошева, «Ўзбекистон овози» мухбири

ТЕРМИЗ АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ

бу ердаги экспонатлар олис мозийдан ҳикоя қилади

Термиз археология музейи 2002 йилнинг 2 апрелида шаҳарнинг 2500 йиллик юбилейи кунларида очилган эди. Музейда айни пайтда йигирма саккиз мингга яқин экспонатлар бор. Далварзинтепа, Кампиртепа, Тешиктош горидан топилган милоддан олдинги юз минг йилликлар, тош даври, бронза даври, эрамининг биринчи ҳамда учинчи асрига доир топилмалар музейга келувчиларнинг диққат-эътиборларини тортаётди. Сабаби, уларнинг ҳар қайси олис мозийдан ҳикоя қилаётгандай, аждодлар ҳаёти ва турмушида қандай ҳаётини кўрсатиши билан тўла-тўла ҳикоя қилади.



Суратларда: томошабинлар эраминдан аввалги биринчи ва учинчи асрга оид буюмлар ва музейнинг ташқи қириниши; бронза даври ёдгорликлари.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар



(Давоми. Боши 1-бетда.)

2000 йилнинг январидан 2004 йилнинг май ойигача бу кўлар тизимида сув қатлами яна 3,66 метрга кўтарилиди. Мана шу муддатда Арнасой пасстекислигига 11,2 миллиард куб метр сув ўтказиб юборилди. Янгидан сув остида қолган ер майдони 477 квадрат километрга бориб етди.

2004 йилги сув ташлаш муаммоси тулаганидан кейин Арнасой кўлининг сув сатхи у пайдо бўлгандан буёнги энг юқори даражага кўтарилди. Бу пайтга келиб, ёлғиз шу су ҳавзасининг ўзида 42,5 миллиард куб метр ҳажмдаги сув тўпланиб қолгани — сув сатҳининг бундан кейинги кўтарилиши яна юз бериши, янги-янги ер майдонларини сув босиши, атроф-муҳитда қаттиқ экин майдонларида ерости сувларининг кўтарилиши хавфини тугдирди.

— Чордара ёки Хайдар, Арнасой ёки Тўзон кўлларида белгиланган микдордан зиёд сув келиб тушса, унинг оқибатидан юзлаб гектар йилловлар, аҳоли манзилгоҳлари зарар қўриши аниқ... Агар қўшни давлатлар билан ҳамкорликда ҳаракат қилинмаса вазият қанчалик кескинлашиши мумкин?

— Мутахассисларнинг фикрича, Чордара сув омборидан 1,5 миллиард куб метр сув ўтиши жуда катта майдонларнинг сув остида қолиб кетишига олиб келади. Сув ҳажмининг ҳар куб километр микдорда оқиб бориши эса сув қатламини 0,2-0,3 метрга кўтарилиб, кўл атрофидаги 50-70 квадрат километр ҳудудни сув босиш хавфи тугдилади. Йилги сув ўтиш

ҳажмининг 3 миллиард куб метрга етиши эса аҳолини янада мушкуллаштиради. Биз минтақада нихоятда серёқин бўлган бу йилги куз-қиш мавсумига мана шу ҳолатда кириб келидик. Ҳозирги кунда Тўхтагул сув омборида 15 миллиард куб метр сув йиғилган. Унинг лойиқа ҳажми эса 19,5 миллиард куб метр. Ҳолбуки, сув омборига ҳар секундда 180 куб метр сув тушиб турибди. Айни пайтда энергетика режимида ишлаётган гидроэлектрдан эса секундига 816 куб метр микдорда сув ўтказилмоқда. Унга Қордарё сув ҳам қўшилиб, Қайроққум сув омборидан 1956 йилдан буён фойдаланилаётганлигини назарда тутадиган бўлсак, унинг 30 фоиздан ошмиқор ҳажми лойиқа билан тўлган. Шунга қарамадан, Қайроққумга секундига 1050-1150 куб метр сув тушиб турибди. Вазиятни ҳисобга олиб, Қайроққум сув омборидан қуйиға секундига 1500 куб метр сув ўтказилмоқда. Сирдарёга Фарғона водийси ва Тошкент воҳаси дарёларида қўйлаётган сув ҳисобига Чордарага ҳар секундда 1530-1550 куб метр сув тушиб турибди. Чордаранинг лойиқа ҳажми 5,2 миллиард куб метрни ташкил этади. Ҳолбуки, унда бугун 4,8 миллиард куб метрдан ортиқ сув тўпланиб қолган. Сув келиб қўшилиши шу аҳволда давом этаверса, бу сув омбори ҳафта-ун кундаёқ тўлиб қолади. Табиийки, бу — атроф ҳудудларга таҳлика солувчи ташвишли вазият...

— Бу муаммолар қўшни давлатларни ташвишга солмаётганими? Ўқлар бу хавфхатар олдими ўз масъулиятларини ҳис этишмаяптими? — Маълумки, ўтган йилги ҳам айни шундай ташвишли вазият юзасига келганди. Шуларни ҳисобга олиб, 2004 йилнинг 11 февралда Қозғистон, Қирғиз

истон, Тожикистон ва Ўзбекистон Республикалари ҳукуматларининг вакиллари тўпланиб, танглики бартараф этиш учун тегишли чоратadbirlарни белгилаб олишди. 18-20 август кунлари эса Бишкекда сув ҳўжалигини мувофиқлаштириш давлатлараро комиссия йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2004-2005 йилларнинг кузги-қиши мавсуми — октябрь-апрель ойларида минтақадаги сув ҳўжалиги иншоотлари ҳўлатини яхшилаш юзасидан аниқ чора-таadbirlар белги-

СУВ — ҲАЁТ

ЛЕКИН БЕПАРВОЛИК ҚИЛИНСА, У ОФАТГА ҲАМ АЙЛАНИШИ МУМКИН

ланди. Келишувга кўра, келгусида бугунгидек танг ҳўлатлар олдини олиш мақсадига, жумладан, Қозғистон ва Ўзбекистон Республикалари Чордара теваригидаги мураккаб вазиятнинг тартибга келтириш учун мавжуд лойиқанинг техникавий-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш жараёларини тезлаштиришлари керак эди. Хайдаркўлдан Муллагача бўлган 110 километр масофада канал қазилиши мўлжалланганди. Бу вазифа Қозғистон томони билан келишилган ҳўлда биргаликда амалга оширилиши керак эди. Афсуски, қўшни мамлакат бу вазифани амалга оширишга етарли эътибор бермади,

белгиланган ишлар пайсалга солинган... Нихоят, лойиқа Ўзбекистон томонининг қучи билан нихоясига етказилди.

— Сирдарёнинг кўзланган манзил — Орол денгизига етиб бормаслиги сабаби нимада?

— Чордара-Хайдаркўл хавзасида ортиқча сув тўпланиши билан боғлиқ муаммонинг Қозғистонга таалуқли иккинчи бир жиҳати ҳам йўқ эмас. Бу — Чордара этаклидаги сув йўлашнинг тартибга келтириш, тозалаш, ортиқча сувларни Орол денгизига

бир шароитда бу ишларни амалга ошириш энди нихоятда мураккаблашди, табиий.

Мана шу ҳўлатлар ҳозирги пайтда сув омборидан секундига 600-650 куб метр микдордаги сувни Сирдарёга ўтказиб юбориш имконини бермай, вазиятни тангликини юбормоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, шу йилнинг 10 февралдан май ойи охиригача бўлган муддатда Чордарага жами 7,5-8 миллиард куб метр сув келиб қўйилиши кўтилмоқда. Лекин

бир шароитда бу ишларни амалга ошириш энди нихоятда мураккаблашди, табиий.

риш бугунги кунда жиддий муаммога айланмоқда.

— Агар аҳвол шу тарзда давом этверса, демак, унинг салбий оқибатларидан асосан Ўзбекистон томони зарар кўради. Бу борада ҳўкуматлараро белгиланган чора-таadbirlарда қўшни давлатларга қандай масъулият юкланган?

— Бу йил ёнғинарчиликлар ўтган йилга нисбатан 130-160 фоизни ташкил этмоқда. Тоғлардаги қор қатламида ҳам одатдаги мевёрга нисбатан 130-160 фоиз кўп қор тўпла-



ўтказиб юбориш масалаларига доир. Бунинг учун сув иншоотлари таъмирланиб, хусусан, Сирдарё узанини тозалаш, унинг сув ўтказиш қувватини тиклаш чоралари қўрилиши керак эди. Лекин бу вазифа ҳам бажарилмай қолди. Сув юзаси музлаган

Қозғистон томониданги иншоотлар ва сув ўзланларининг сув ўтказиш имконияти бу микдордаги сувнинг фақат 5-5,5 миллиард куб метр қисминигина дарёнинг қуйи оқими томон ўтказиб юбориш имконига эга. Қўлган катта ҳажмли сувни ташлаб юбо-

ниб бораётди. Табиийки, бу ҳўлатлар сув оқимини кўпайтириб, унинг тўпланиши даражасининг тезлашишига сабаб бўлади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, яқин ойлари ичида сув келиш микдори 10-12 миллиард куб метрга етиши мумкин. Бу яна 5-5,5 миллиард куб метр сув ортиқ ташлашга тўғри келади, деган сўз. Лекин бунча микдордаги қўшимча сувни ўтказиб юборадиган хавзаларда вазият оғир.

Масалан, бугунги кунга келиб, Хайдаркўлнинг ўзида салкам 41 миллиард кубометр сув тўпланиб қолган. Агар биз 2004 йилнинг май ойида — ёнғинарчилик хийла юқори бўлган мавсумнинг якунида бу хавзада 42 миллиард кубометр сув тўплан-

Ислоҳот ва масъулият

бозорида харидориг «С-6524» намини кўпроқ экишга эътибор бердик. Жорий йил пахта мавсумида ҳам 108 минг гектар пахта майдонининг 64 минг 800 гектарига ушбу нави экишни режалаштирганмиз. Сабаби, бу нав хомашёси қийин тозаланиш хусусиятига эга бўлса-да, тола чиқми даражаси 32-33 фоизни ташкил этмоқда. Қолаверса, у вилоти-миз маҳаллий иқлим шароитларига ҳам мос.

Вилотиимиз бўйича ўзанинг «С-6524», «Наманган-77»

навидан 2731 тонна уруғлик тайёрланди ва унинг бир қисми мамлакатимизнинг қатор вилотларига жўнатилды. «Тошкентпахтасаноат» ҳудудий бирлашмасига қарашли Пискент пахта тозалаш корхонасида ҳам жорий йил пахта мавсумига 768 тонна «С-6524» ҳамда янги «Мехнат» навларидан тайёрланди.

Уртачирчиқ туманидаги «Ҳакипет» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси йилга 5 минг тонна кимёвий усулда туқсизлантирилган чигит, 2 минг тонна туқли чигит уруғликларини юқори сифат билан тайёрлашга ихтисослашган. Уруғлик чигитни тайёрлаш жараёнлари ўта замонавий чет эл технологияси асосида амалга оширилди. Махсулотларни тайёрлаш борасидаги барча технологик жараёнлар тўла компьютер тизими орқали бошқарилади.

— Қўшма корхонамиз асосан туқсизлантирилган уруғлик чигит тайёрлашга ихтисослаштирилган бўлиб, бу жараёнлар замонавий кимё усулида амалга оширилди. — дейди корхона бош директори Турдали Усмонов. — Корхонамизда тайёрланаётган уруғликларнинг унвучанлиги юқори бўлиб, ҳар гектарга сарфланадиган чигит микдори тежалиши ҳисобига юқори иқтисодий самарага эришилди. Жорий йилда пойтахт вилотидаги пахтачилик ҳўжаликларида 2200 тонна «С-6524» ҳамда «Наманган-77» навли уруғликларни етказиб беришни мўлжаллаётганмиз. Элита уруғларини тайёрлашда эса пахтачилик билан шуғулланувчи ривожланган давлатларда қўлланилаётган усулларга асосланган, уйғунлашган услуб устида ишлар олиб боришмоқда.

Кўриниб турибдики, пойтахт вилотидаги уруғчилик, янги навлар яратиш ишлари бу йил алоҳида эътибор берилмоқда. Мутахассислар фикрича, ҳосил тақдирини биринчи навбатда уруғ танлашга боғлиқ. Иккинчидан, ўтган йилги хўлатлардан тегишли хўсалар қўйиб, гўза парваришни ўз вақтида сифатли ўтказиш ва илғор тажрибалардан фойдаланишга боғлиқ. Ушунда, махсулот кўпаяди, режа бажарилди, сифати яхшиланади. Бундан пахтакор ҳам, харидор ҳам бир хилда наф қўради.

Сохибнон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Шу куннинг муаммоси

ганлигини ҳисобга олсак, ҳозирги аҳвол бағоят таҳлика эканлигини тушуниш қийин эмас. Ушунда ҳам атроф ҳудудларда катта-катта майдонларни сув босиб, қишлоқ ҳўжалигига жиддий зарар етказилган.

— Ҳавзаларда сув сатҳи кўтарилиши билан боғлиқ вазиятни бартараф этиш учун жадвал амалга оширилиши керак бўлган бир қатор вазифалар кун тартибига қўйилмоқда. Албатта, «дўст — бошнган ташвиш тушганда билинади», «ён қўшни — жон қўшни», деган гаплар ҳам бор. Икки қўшни халқ — ўзбек ва қозғ халқлари оғир пайтларда ҳамма бир-бирларига елкашди бўлиб келганлар. Шу боис, Ўзбекистон томони ҳар доимгидек ташвишли пайтларда қўшилариға ёрдам қилини чўзишга тайёр. Жумладан, Арнасой сув омбори ва Хайдаркўл пасстекисига имкони бўлганча кўпроқ сув ўтказиш чоралари қўрилмоқда. Иншоотлар, йўللар ва аҳоли манзилгоҳларини сув босиш хавфини бартараф этиш мақсадига шошилинчи қўшимча чора-таadbirlар қўрилмоқда. Чўночи, сув ўзланлари ва хавзаларнинг қирғоқлари мустаҳкамланиб, тўғонлар қўтариляпти, қўшимча хўса вазиталари барпо этиляпти.

Лекин «қарс — икки қўлдан» деганларидек, бу жиддий ҳўлатни ижобий ҳал этиш масъулияти Қозғистон раҳбарлигига ҳам таалуқли ахир. Зеро, эътиборсизлик жуда ёмон оқибатларга олиб келишигини бу кўна ҳаёт бир неча бор исботлаган...

Бугунги вазият ота-боболаримизнинг «ёз ёнғинининг ташлама, қишда ўзин биласан», деган доно ҳикматининг нечоғли тўғри эканлигини кўрсатиб турибди. Ҳеч бўлмаганда қўшилариимиз ўтган йилнинг қўлай келган кунларида зарур чора-таadbirlарни қўрганларида ҳам бундай ҳўлат бўлмасди. Энг ачинарлики, қабул қилинган қарорлар қозғода қолиб кетди, уни ижро этиш чора-таadbirlарни қўрилди. Бу ҳол келгусида оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини







«Бугун ҳам замин узра салобат кўтариб турган меъморчилик обидалари, масжиду мадрасалар, савдо ва хунармандлар тиллари, шифохоналар ва хонақоҳлар, ҳовузлар, майдонлар Бухоро бошидан кечирган буюк тарихнинг гувоҳидир».

Ислом КАРИМОВ

Куррай заминда нима кўп — шаҳар кўп. Уларнинг ҳаммаси ҳам ўз халқи учун азиз. Аммо, ер юзиди Шариф шаҳарлар саноклидир. Ана шундай шарифлик мактабига эга бўлган. Тангри жамоли деган маънони англатувчи — Бухоро ягонадир. Унинг ҳар бир тошида мўъжиза ва ҳикмат мубаллас. «Бу афсонавий шаҳарнинг бирорта тошини кимки қийшқир деса, у катта гуноҳга ботади». Бу сўзни шоир Машираб бежиз айтмаган. Бинобарин, унинг кўчалари-ю гузарларини пиёда кезган кишигина тарих билан юзлашади. Не не босқинлар, тало-тўпаларга бардош берган обидалар, осори-атиқалар бунёдкорлари руҳи олдида бош эгади.

Тирок этганлар. — Ҳақ гап, — дея сўхбатга қўшилди вилоят тарих ва маданий ёдгорликларни сақлаш ҳамда таъмирлаш инспекцияси бошлиғи Туйғун Бобоев. — Кўҳна шаҳарни агар одам танаси десақ, ҳовузлар эса унинг қон томирлари бўлган. Томирларда қон жўшиб оқсагина, тана мустаҳкам бўлади. Уша пайтларда ҳам ҳовузлардан фойдаланиш устидан қаттиқ назорат ўрнатилган. Мишраблар ва бошқа мутасаддилар ҳовузлар сувини ўлчаб туришган. Мешкобчилардан сувни исроф қилмаслик талаб қилинган. Шу боис ҳовуз ҳам, ундаги сув ҳам қадрланган, мудом атрофи тоза тутилган.

Биз юқориди Зарафшон дарёси суви Бухорогача тўлиқ етиб келмаган дегандан сўнг тарихий обидалар омборхоналарга айланган. Ҳовузларнинг асарияти кўмилган, масжидлар ёпилган. Кўҳна Лабиҳовуз ҳам таҳрирга учраган. Хусусан, элликкинчи йилларга келиб, ҳовуз суви қуритилиб, унинг зина-

Биз билган ва билмаган тарих

дощ мадрасасида таҳсил олаётган талабалар сарҳовуз бўйида ҳордиқ чиқарганлар, ҳар хил халқ сайиллари, Наврўз байрами тантана қилинган, савдо-соғдиқ авжига чиққан. Хунармандлар ўз молларини кўз-кўз қилганлар.

Узоқ йиллар давом этган бундай сайиллар шўро сивёсати туфайли барбод бўлди. 1920 йилнинг ёзида Фрунзе бошчилигида Бухоро амрлиги ҳудудига 7 минг пиёда, 2,5 минг отлик аскар, 5 та оғир тўп, 35 та енгил тўп, 206 та замбарак, 5 та броневатомобиль, 5 та бронепоезд, 11 та аэроплан олиб келинган. 1-2 сентябрда шаҳарга 12 минг снаряд ташланган, 11 та аэроплан шаҳар устига бомба ёғдиргани боис 34 та гузар, 3 мингдан ортиқ дўкон, 20 та сарой, 29 та масжид ёниб, харобага айланган. Шаҳар 20 кун давомида ёнганини бухороликлар «кичик қиёмат» деб таърифлашган.

Бухорода шўро тузуми қарор топганидан сўнг тарихий обидалар омборхоналарга айланган. Ҳовузларнинг асарияти кўмилган, масжидлар ёпилган. Кўҳна Лабиҳовуз ҳам таҳрирга учраган. Хусусан, элликкинчи йилларга келиб, ҳовуз суви қуритилиб, унинг зина-

гиз тўшланган. Сўнг унинг устига қора оҳақ севишган. Атроф мармар ёки йўнилган тошлар билан безатилиб, зиналар ҳосил қилинган. Бу зиналарнинг мустаҳкам бўлиши учун тошлар ости ҳамда орасига тут қўплар қўйилган. Махсус ишлов берилган бу ёғочлар тошларни силкинишдан сақлашда боғлағич вазифини ўтаган. Уста Мажд Кўрбоншо шу усулда қадим шаҳарнинг гузарларида 18 та ҳовуз барпо этган экан. Бир неча ҳовузларни қайта таъмирлаш ҳам устанинг олдидаги тушадиганлари кам бўлган.

Истиқлол кўҳна Бухоро ҳаётига янги бир нафас олиб кирди. Бугун мушкетчилик туфайли мўйсифид шаҳар яшарайтир. Юртбошимиз ташаббуси билан кўплаб тарихий жойлар обод этилди. Янги кўчалар, хиёбонлар, фавворалар бунёд бўлмоқда. Истиқлол даврида йиллар давомида кўмилиб, қаровсиз ётган кўпгина ҳовузлар танасига жон, об-ҳаёт кирди. Булар Ҳовузи Нав, Ҳовузи Бобониев, Ҳовузи Хўжа Зайниддин, Ҳовузи Лесак, Боллоховуз, Ҳовузи Эшон Имло, Исмоил Сомоний, Хўжа Калон ҳовузларидир. Бу борадаги савобли ишлар ҳозир ҳам давом этаётгани кўҳна шаҳар тақдирига ҳеч ким бефарқ эмаслигиндан далolat беради.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Мутахассисларнинг таъкидлашича бугун шаҳарда мавжуд бўлган 92 та ёпиқ дренаж тўла қувват билан ишламаётгани туфайли дренаж сувларини четта чиқариш мушкул бир аҳволга келиб қолган. Коллектор ва зовурларнинг кўмилгани боис сизот суви 12 метр чуқурликдан 6 метрга кўтарилган. Бундай шароитда ҳовузларни қайта тиклаш ишлари ҳам анчагина мураккаблик туғдириши табиий.

Соҳа билмидонларининг фикрича, кўҳна ҳовузларнинг ҳаммаси Шохруд ариғи билан боғланган. Ҳовузлар шу ариқ сувидан махсус тазарлар — сув қувурлари ёрдамида тўлдирилган. XVI асрда Бухоро ҳукмдори Абдуллаҳон даврида тазарлар махсус тизимга солиниб, улар мунтазам таъмирланиб турилган. Кейинги икки юз йил ичида бу иш ўз ҳолига ташлаб қўйилгани боис бугунга келиб оқар сув қувурларининг қанча қисми яроқлигини ҳеч ким аниқ билмайди. Демак, ҳовузларнинг қадимий сув кириш ва чиқиш йўллари аниқлаш ҳамда қайта тиклаш кўп машаққатли иш десақ муболағаб бўлмайди.

Лекин, шунга қарамай, ноумид эмасмиз, — дейди вилоят тарих ва маданий ёдгорликларини сақлаш ҳамда таъмирлаш инспекцияси бошлиғи Туйғун Бобоев. — Миллий шаҳарсозлик намуналарини кўрсатиш учун ҳам яна бир неча ҳовузларни қайта тиклашимиз керак. Бу ўсиб келаятган ёш авлод учун ҳам, ҳорижий сайёҳларга маданий меросимизни бус-бутун кўрсатиб, аждодларимиз олдидаги қарзимизни узиш учун ҳам зарур. Қолаверса, Сихат-саоматлик йилида Шариф шаҳар гузарлари фу-сункор, табиати мусаффо бўлишига не етсин.

Шуни таъкидлаш керакки, биз бу мавзуда қалам тебратарканмиз, Бухородаги қадимий ҳовузларнинг ҳаммасини ҳам тиклаш керак деган фикрдан йироқмиз. Балки, ҳовузларнинг инсон саломатлигига фойдаси, экологик муҳитни сақлашдаги ўрни ҳақида ҳаммани огоҳ этмоқчимиз, ҳолос. Яна бир гап. Олимларнинг таъкидлашича, ҳар йили Ордондан кўтарилаётган зарарли тузлар чангларни вилоят ҳудудига келиб тушаркан. Бу эса ҳам аҳоли соғлиғига, ҳам зироатчиликка катта путур етказмай қўймайди, албатта. Бухоро шаҳри ҳам бундан мустақо эмаслигини ҳамма биледи. Бундан йигирма йил илгари вилоятда ана шу муаммонинг ечимини топиш учун «Яшил қалқон» барпо этиш режаси тузилган. Аммо, бу ҳам амалга ошмай, тадбирлар қозғада қолди кетди.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, экологик муҳит мусаффолиги, мўътадил хароратни таъминлашда ҳовузларнинг хизмати беҳисобдир. Бинобарин, кўкаламзор, толу тоқлар билан ўралган ҳовуз атрофида тўпаланган, ҳордиқ чиқарганга, дийдорлашиб, гурунлашганга нима етсин? Қолаверса, қадимий ҳовузлар тарихий ёдгорликлар, аждодларимиз ақл-идроки меваси сифатида ҳам қадриллидир.

Даврон БАХРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

**ТАХРИРИЯТДАН:** Бухоро ҳовузлари ҳақида битта мақолада тўлиқ маълумот бериш мушкул. Шуни ҳисобга олиб, қадимий шаҳарларимизда мавжуд бўлган сув иншоотлари, уларнинг аҳамияти, ким томонидан қурилганлиги тўғрисида туркум мақолалар бериб боришни давом эттирамиз. Бу борадаги тақлиф, мулоҳазаларингиз битилган мактуб ва телефон кўнгиорқларингизни кутамиз.

Спорт

«ФИДЕ» ҚАРОР ҚИЛАДИ...

ТБИЛИСИДА БЎЛИБ ЎТГАН ХАЛҚАРО ШОҲМОТ ФЕДЕРАЦИЯСИ («ФИДЕ») КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИ МУТЛАҚ ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛИГИ МУСОБАҚАСИГА ОЙДИНЛИК КИРИТДИ

ФИДЕ қарорига кўра, 2002 йилда Прага келишувига биноан ўтказилаётган бирлаштирувчи мусобақа нихотинга етказилмайди. Яъни, шохмот мухлислари орасида кутган Қосимжонов — Каспаров учрашуви бўлмайди. Энди мутлақ жаҳон чемпиони аниқлаш учун мусобақа ташкил этилади. Ушбу мусобақада ФИДЕ таснифи бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ва ҳозирги кунда ФИДЕ рейтингда 1-7-ўринларни эгаллаб турган Гарри Каспаров, Вишванатан Ананд, Веселин Топалов, Владимир Крамник, Петер Лекко, Александр Морозевич, Майкл Адамс ўртасида икки давра йўналиши ўтказилади. Фолли мутлақ жаҳон чемпиони, деб эълон қилинади. Мусобақа шу йил октябрь ойида бошланади. Ҳозирча мусобақа қардаги ўтиши маълум эмас. Уни ўтказишга Тбилиси (Грузия), Элиста (Россия), Ереван (Арманистон) ва Сингапур шаҳарлари даъвогар сифатида рўйхатга олинган. Мазкур мусобақанинг муқофот миқдори 500 минг АҚШ долларидан кам бўлмаслиги белгилаб қўйилган.

Хуллас, бир нарса аниқ: Рустам Қосимжонов кўра қийдаги тартибда жойлашади: 1. Каспаров-3; 2-3. Қосимжонов ва Ананд — 2,5 тадан; 4-6. Лекко, Топалов ва Адамс — 2 тадан; 7. Валехо — 1 очко.

Ушбу мусобақа 10 март куни нихотасига етади.

Асрор МҮМИН

БОШ СОВРИНГА «ПАХТАКОР» ВА «НЕФТЧИ» ДАВОГАР

Мутахассисларнинг фикрича, Тошкент халқаро турнири юқори савияда ташкил этилганлиги билан меҳмонларда яхши таассурот уйғотган. Турнир давомида пойтахтимиздаги «Пахтакор», «МХСК» ва «Жар» стадионлари, машгулот майдонлари футболчилар ихтиёрида бўлди.

Мусобақа тақвимининг барча жамоалар учун қулайлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Киши таътил вақтида асосан сунъий майдонларда машгулотлар ўтказган футболчилар учун янги мавсум олдидан яшил майдонда тўп суриш аниқ муди-да бўлди. Жумладан, барча мураббийлар бундай имкони-


ят яратилганлигидан хурсанд эканликларини таъкидлашди.

Шанба кuni «Пахтакор» ва «Пюник» жамоалари ўртида бўлган учрашув 2:0 ҳисобида ҳамюртларимиз фойдасига ҳал бўлди. Гейнрих ва Кошелевнинг голлари пахтакорчиларни финалга олиб чиқди. Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси ҳам Белорусия ёшлар терма жамоасини 5:1 ҳисобида доғда қолдирди.

Кеча Ўзбекистон олимпия терма жамоаси ва «Сконтон» учинчи ўрин учун майдонга тушди. Ҳисоб — 2:0. Бугун «Пахтакор» ва «Нефтчи» жамоалари турнир фойлиблиги учун ўзаро учрашади.

Анвар САМАДОВ

БУХОРО ҲОВУЗЛАРИ



МАНБАЛАРДА КЎРСАТИЛИШИЧА, ЭСКИ ШАҲАР ҲУДУДИДА 100 ДАН ЗИЁД, УНИНГ АТРОФИДА ЭСА 250 ГА ЯҚИН ҲОВУЗЛАР БЎЛГАН

Бухоро Зарафшон дарёсининг куйи оқимида жойлашган бўлиб, асосан ботқоқлик, чакалакзорлардан иборат бўлган, дарё суви ҳамма вақт ҳам шаҳаргача етиб келмаган. Аҳоли зироатчилик қилиши учун сув нихотда азиз ҳисобланган. Бунинг устига шаҳар аҳолиси кудуклардан сув фойдаланмаган. Чунки ер ости сувлари истёмолга мутлақо яроқсиз бўлган. Шу боис аҳоли ўртасида ўзлари ишайдиган гузарларда ҳовузлар қазига эҳтиёж сезилган. Бу ишга сармоядорлар, номдор кишилар бош-қош бўлишган. Шу боисдан ҳам барча ҳовузларнинг аниқ номи бор. Бундан ташқари, гузарда яшовчиларнинг касб-корини ҳовуз номларидан билиш ҳам мумкин.

— Эски шаҳар сув таъминоти, ҳовузлар қурилиши тарихи кўпгина забардаст олимларни қизиқтирган, — дейди Бухоро меъморий-бадий музей-кўрмixonаси директорининг ўринбосари Карим Рустамов. — Улар томонидан Бухоро ҳовузлари ўрнашган жойлар харитаси, ном ва рўйхатлари ўз вақтида ёзиб қолдирилган. Ана шу манбаларда кўрсатилишича, эски шаҳар ҳудудида юздан зиёд, унинг атрофида эса 250 га яқин ҳовузлар бўлган.

Дарҳақиқат, шундай. Шаҳардаги Ҳовузи Девонбеги, Ҳовузи Рашид, Ҳовузи Хўжа Зайниддин, Ҳовузи Боло каби ўнлаб сув манбаалари Бухорода машҳур бўлганини қариялар таъкидлашди. Ҳовузлар атрофи мармар ёки йўнилган тошлар билан ишланган бўлиб, Эшон Илло, Халифа Худойдод ҳовузлари устига сардоба ҳам қурилган.

— Ҳовузлар ўша даврда эски шаҳарнинг асосий сув манбаи ҳисобланган, — дейди табиатни муҳофаза қилиш вилоят қўмитаси раиси Анвар Ниёзов. — Уларнинг вазифини аҳолини ичимлик сув билан мунтазам таъминлаш билан бирга яна кўпгина муаммоларни ҳал этишда асқотган. Жумладан, шаҳар иккимини мўътадил сақлаш, тарихий обидаларни шўрланишдан асрашга хизмат қилган. Энг асосийси, ҳовузлар атрофида одамлар мириқиб дам олганлар, турли йиғин ва тадбирларда иш-

лари томошабинлар учун ўтирич, туби эса волейбол майдончасига айлантирилганини кўпчилик яхши эслайди. Олтмишинчи йилларда эса жамоатчилик талаби билан ҳовуза яна сув қуйилган, у номини ассл ҳолига қайтарилган эди.

— Шу мўътабар шаҳарда униб-ўсганим боис кўп воқеалар хотирамда муҳрланиб қолган, — дейди Бухоро давлат университетини профессори, тарих фанлари доктори, Фарҳод Қосимов. — Бизга кўпгина гузардаги ҳовуз кўмилиб, устига шўролар ҳукумати доҳийсининг ҳайкали ўрнатилган. Кизиги шундаки, шаҳарда унинг бир неча ҳайкали бўла туриб, ҳовузини ҳам тинч қўйишмаганида ўшанда. 1928 йилда Бухорода сув миносари тиклангандан кейин ҳовузларнинг бори ҳам эътибордан четда қолди. Ахир, улар ҳам тарихий ёдгорлик эмасми? Миллий шаҳарсозлигимиз талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос меъморий услубда қурилган бу иншоотлар халқимизнинг бебаҳо маданий ёдгорликлари ҳисобланади. Агар имкониёти бўлса, қанийди гузарлардаги ҳовузлар қайтадан кўз онса. Бунга, албатта эътибор ва маблаг керак, иккинчидан мутахассислар фикрини билиш ҳам фойдалан ҳоли бўлмайди...

Юқориди таъкидланганидек, ҳовузлар ҳам тарихий обиди ҳисобланади. Уни бунд этишининг ўзи бир санъатки, бу иш соҳибидан катта меҳнат ва маҳорат талаб қилган. Шу боис ҳамма ҳам бу ишга ҳавас этолган. Бухоро ҳовузсозлигида машҳур уста Мажд Кўрбоншо алоҳида ўрин тутайди дейишда, кўпни кўрган кексалар. Ҳовуз дилпортар бўлиши учун уста унга бутун меҳрини бериб ишлаган. Ҳовуз учун жой танланган, сўнгра чуқур қовланган. Ҳовузини беғона ўт қопламаслиги учун унинг сатҳига ки-

**«ТОШКЕНТДОНМАХСУЛОТ»**  
ОАЖ фаолияти юзасидан маълумотлар ҳақидаги хабар  
**Хабарнинг тартиб рақами — 07.**  
Қимматбаҳо қоғозлар эгаларининг рўйхати тузилиши ҳақида қарор қабул қилинган сана — 2005 йил 23 февраль.  
Қимматбаҳо қоғозлар эгаларининг рўйхати тузилиши муддати санаси — 2005 йил 23 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тубий экспертиза Бош бюроси жамоаси Тошкент вилояти суд-тубий экспертиза бюроси бўлим мудири Тўлқин Фуломович Фуломовга рафидаси  
**МАТЛУБА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Х. Сулеймонова номидаги республика суд-экспертиза маркази жамоаси марказининг Фарғона вилояти бўлиминиси бошлиғи М.М.Мақсудова волидан мухтарамаси  
**РАҲИМА** онанинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Савдо ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогар» акцидорлик республика банки жамоаси банкнинг масъул ходими Хасан Габибова онаси  
**ЗУЛАЙҲА** аянинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**BOSH MUHARRIR:**  
**Safar OSTONOV**  
**TAHRIR HAY'ATI:**  
Abdulla ORIPOV  
Asiddin RUSTAMOV  
Ashur QODIROV  
Bobir ALIMOV  
Habib SA'DULLA  
Norbobol SHAKAROV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Alimqul SULTONOV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Andrey ORLOV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Nomoz SA'DULLAYEV  
To'lepbergen QAIPBERGENOV  
Muslihidin MUHIDDINOV  
Olim MURODOV  
Abdug'ani MAMASO'DIQOV  
(Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**  
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO'LIMLARI:**  
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55  
Ma'naviyat va ma'rifa 133-69-45  
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36  
Parlament va huquq 136-76-21  
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43  
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Mas'ul kotib 133-72-83  
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**  
Andijonda — 25-32-70  
Buxoroda — 222-10-92  
G'ulistonda — 25-03-80  
Jizzaxda — 5-49-85  
Navoiyda — 3-39-20  
Namanganda — 6-43-43  
Nukusda — 222-70-15  
Samarqandda — 35-20-54  
Urganchda — 226-51-35  
Farg'onada — 26-43-62  
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**  
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.  
Nabvatchi: Matnazar ELMURODOV  
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.  
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV  
«Sharq» nashriyoti-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi.  
Korxonada manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 2 bosma taboq.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.  
G — 254  
11400 nusxada bosildi  
t — Tижорат materiallari  
O'zA yakuni — 22.00.  
Topshirish vaqti — 23.00  
1 2 3 4 5  
Sotuvda erkin narxda